

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ГАЗЕТА 1966 йил 1 июлдан
ЧИҚА БОШЛАГАН.

• № 132 (6. 023) • 1986 йил 9 июнь, душанба • Баҳоси 3 тийин.



КПСС XXVII СЪЕЗДИ БЕЛГИЛАГАН ЙЎЛДАН

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»НИНГ ЎЗ МУХБИРЛАРИ ВА
ЖАМОАТЧИ МУАЛЛИФЛАРИ ЁЗАДИЛАР

Курилиш майдонларида

Вақтдан ўзиб

Темирйўлчилар учун



Ҳамза районидagi темирйўлчилар массивида бир йўла учта тўққиз қаватли турар жой бинолари қад кўтармоқда. Объектда курилиш-монтаж ишларини 2-ишхоналик комбинатнинг 60-курилиш бошқармаси курувчилари олиб боришапти. Ҳозир улар учинчи бинонинг ер ости қисмини монтаж қилиб бўлишди. Бинонинг тепа қисмини эса шу комбинатга қарашли 4-курилиш бошқармаси коллективи монтаж қилаёпти.

Шу кунгача курувчилар бу ерда иккита бинони битказиб фойдаланишга топширишди. Ҳар иккала бино темирйўлчилар учун биринчи, май совға-

си бўлди. Бу биноларнинг ҳар бирида 54 оила истиқомат қилади.

Курилиш ишларида безакли, рангли бетон плиталардан фойдаланилган. Шунинг учун ҳам бинонинг ташқи кўриниши жуда чиройли бўлиб киши диққатини ўзига тортиди. Пардозлаш ишида В. Савельева бошлиқ бригаданинг Т. Ермакова, Ж. Раҳмонова, Л. Кошкучева ва И. Диденко сингари кўчмачилари ибрат кўрсатиб ишлашди. Улар смена топшириклари ортиги билан адо этишди.

СУРАТДА: тайёр бинонинг ташқи кўриниши.
Ҳ. Мирзақаримов фотоси.

А. Артёмов бош бўлган комплекслашган коммунистик меҳнат бригадаси «Глававтошстрой»нинг 11-«Вистрой» трестига қарашли 69-курилиш бошқармаси коллективлари ўртасида яхши таниш. Чунки бу бригада узок йиллардан бери ўзига топширилган участкалардаги курилиш ишларини муваффақиятли адо этиб, бошқаларга ўрнак бўлиб келмоқда.

Коллектив 23 малакали курувчилардан ташкил топган. Бригада меҳнатини тўғри ташкил этиш, замонавий техника ва мосламаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, меҳнат интизомига тўла риоя қилиш, иш вақтидан унумли фойдаланиш эвазига беш ойлик планини муддатидан икки ҳафта илгари бажаришга муваффақ бўлди. Ҳозир бунёдкорлар июнь ойининг иккинчи ярми ҳисобига ишлашмоқда. Ўзаро социалистик мусобақада қўлиб қўлиб келатган коллектив учун вақтдан ўзиб ишлаш одат тусига айланиб қолган.

Бригадага ҳамма муҳим ва масъулиятли объектлар ишониб топширилади. Ҳозир курувчилар Аҳмад Дониш кўчасида қад кўтарётган 240 ўринли ётоқхона биноси курилишида ишлашапти. Злобин методи усулида меҳнат қилаётган коллективнинг 10—15 процент охириги кўчма курилиш-монтаж ишларини адо этиш билан бирга бажарилаётган иш сифатига ҳам катта эътибор бермоқда.

Шу кунларда бунёдкорлар ярим йиллик плани муддатидан илгари адо этиш учун социалистик мусобақани тобора авж олдирмоқдалар. Биринча май ойида иккинчи сўлиқдан ортиқ курилиш-монтаж ишларини бажарган бунёдкорлар бу ютуқни янада мустаҳкамлашга астойдил бел боғлашган.

Тошкент шаҳар партия комитетиди

Шу куннинг муҳим вазифаси

Шаҳар партия комитетиди шаҳар индустриясининг 1986 йилнинг январь-май ойларидаги ҳўжалик-иқтисодий фаолияти якунилари бўйича кенгаш бўлиб ўтди. Кенгаш ишида беш ойлик плани бажармаган корхоналарнинг ҳўжалик раҳбарлари, бошланғич партия ташкилоти секретарлари қатнашдилар.

Шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин шаҳар саноат корхоналарининг йилнинг ўтган беш ойи ичидаги ишлари КПСС XXVII съезди қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленуми қарорлари талабларидан келиб чиқиб, таҳлил этар экан, давлат планларини бир қатор асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича бажармаган корхоналарнинг фаолиятига муҳим эътиборни жалб этди. Шаҳардаги еттига кўра «Ўзбекхлопкомаш»нинг машинасозлик заводи, «Средатрансстрой»нинг саноат корхоналари комбинати курилиш саноати материаллари ёғочини қайта ишлаш комбинати, дурадзорлик буюмлари, резина-техника буюмлари, килород заводлари, 1-пайофзал фабрикаси маҳсулот реализацияси бўйича беш ойлик плани бажармади.

Шаҳардаги бешта корхона, шу жумладан «Ўзбектентон» сунъий ва табиий кўн ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Тошкент» мебель бирлашмаси, «Ўзбекхлопкомаш»нинг машинасозлик, килород заводлари товар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми бўйича январь-май ойларида белгиланган план топширигининг улдасидан чиқа олмади.

20 дан зиёд завод, бирлашма, фабрикалар меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича плани бажара олмади, ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатларини пасайити юборди. Шаҳардаги ҳар учта корхонадан биттаси буюрмачиларга белгиланган номенклатура бўйича маҳсулотларни етказиб бериш топширигини таъминламади.

36 завод, бирлашма, фабрикалар халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш бўйича планининг бажарилишини таъминламади. 12 та корхона эса олий сифат категорисидagi буюмларни ишлаб чиқариш бўйича топширигининг улдасидан чиқа олмади.

Кенгашда план топширикларининг ҳеч сўзсиз бажарилишига дахлдор бўлган раҳбарларнинг масъулияти ҳақида принципал сўз борди. Бир қатор корхона раҳбарларининг план топшири-

ги барбод этилганлиги сабаблари, йўл қўйилган қолоқлик барҳам бериш борасида улар томонидан белгиланган тадбирлар тўғрисидаги ахборотлари тингланди. «Ўзбекхлопкомаш»нинг машинасозлик заводи бош инженери вазифасини бажарувчи В. Кечинов, «Средатрансстрой»нинг саноат корхоналари комбинати директори Ю. Устинов, «Средатрансстрой»нинг бирлашмасининг бош директори В. Бобоев, резина-техника буюмлари заводининг бош инженери М. Бородин, курилиш саноати материаллари ёғочини қайта ишлаш комбинатининг директори М. Яхъев, 1-пайофзал фабрикаси директори вазифасини бажарувчи С. Землянский, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг килород заводи директори М. Очиллов, электрон-техника заводининг бош директори У. Умаровлар ана шу ҳусусда сўзлашдилар.

Бунда корхоналарнинг ҳўжалик раҳбарлари, партия ташкилотларининг секретарлари биринчи ярим йиллик план топшириклари бажарилиш учун шахсан жавобгарлик тўғрисида қаттиқ оғоҳлантирилган. Давлат плани — корхоналар фаолиятининг қонунидир. У бarcha техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича ҳеч сўзсиз бажарилиши керак, план топшириқлари бажарилишига лоъафлик билан қараш ҳўқуқи ҳеч кимга берилмаган. Жадаллаштириш эвазига июнь ойидаёқ йўл қўйилган қолоқликни тугатиш, токи бу билан биринчи ярим йиллик иш якунилари бўйича шаҳарда қолоқ корхоналар бўлмаслигига эришиш керак.

Кенгашда шунингдек шаҳардаги саноат корхоналари раҳбарларининг эътибори айни шу кунлардан бошлаб ишлаб чиқаришнинг кўзатишчи даврга тайёарлаш бўйича ишларни бошлаш зарурлигига қаратилди. Тегишли буюрмачилар тайёарлаш, қишга тайёарлиги бўйича ташкилий-техникавий тадбирлар комплексини тайёарлаш ана шу тадбирларни бажариш устидан қатъий партиявий назоратни ўрнатиш даркор.

Замондонимиз



Келинг, биринчи навбатда сўзимизни орзудан бошласек. Орзуга айб йўқ, деган халқ мақоли билан фикримизни тасдиқласак-да қаҳрамонимиз «Ташғоршвейбт» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 2-модалар ателесининг тикувчиси Робия Алиеванинг кўнгли дунёси билан танишасек. Унинг таржиман ҳолки Навойнинг рубоийси каби қисқа. Ёзиб чиқса ҳатто тўрт сатр ҳам чиқмайди. Ўрта мактаб. Тикувчилик тўғрисида. Ателье. Қаранг, рубоий бўлиши учун яна бир сатр етишмайди. Майли, ҳечқиси йўқ, бу сатрни у ўз иши, бегараз меҳнати билан яратди. Ҳар кун, ҳар соат. Бу сатр ҳар кун қўйил, ҳушбичи пилослар шаклида ишқилар қайғида қўйилган, севинтирапти. Ҳамма гап шунда—ўз меҳнатинг билан одамларни севинтира билишда.

Демак ОРЗУ. Газетчон ҳайрон бўлмасин, тикувчи синглимиз мактабда ўқиб юрган кезларида асло тикувчи бўлишни орзу қилмаган. Модалар ателесиде ишлаш эса халғига ҳам келмаган. Нияти институтга кириб, олий ўқув юртининг дипломини олиш, каттароқ мутахассис бўлиб

ишлаш эди. Бироқ, биз касбини эмас, касб бизни танилайди, деганларидек, у тикувчи бўлди. Бу — орзусининг ушайиш учун курашмабди-да дегани эмас. Йўқ, у асло ишқилмайди. Чин дилдан меҳнат қилади. Мақалласидеги синглиларни, онахоналар бир кун йўлда тўқтабди телевизорда «Ахборот»да чиққанини кўрғанини айтишди.

Э — деди — чиққоқчи эмас эдим, ўзлариники чикаришди. Кейин нидемай кетаверди. У ҳозир юксак ном учун курашаётган ателесининг коммунистик меҳнат зарбдори бўлган Шонра Аширматова бошлиқ комсомол ёшлар бригадасининг илгор аъзоси. Ҳар доим ўз иши билан банд. Ёш пайтларида уй ишларига ёрдам беради. Уй ишларидан бўш пайтларда эса ҳушовоз хонада Шерали Жўраевнинг қўшқиларини тинглайди. Шунинг учун ўз ишини ҳам ҳаммаша қўшқидай яхши киро этади.

СУРАТДА: тикувчи Р. Алиева.

Т. Каримов фотоси.

Об-ҳаво ва саломатлик

Н. А. Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институтининг директори, медицина фанлари доктори, профессор Н. М. Махмудов тахрири остида.

Шу ҳафта бошларида ҳаши ўзгариб туради. Айрим жойларда қисқа муддатли ёғин ёғади, жомалдиқроқ бўлади. Шимолий-ғарбдан шомолнинг эсиши секундига 9—14 метрга, жомалдиқроқ пайтда секундига 15—20 метрга қулайиши кутулади.

Ҳаво ҳарорати ҳафта бошда кечқурунлари 13-18 даражадан 10—15 даражага, кундузи 30—35 даражадан 25—30 даражага пасаяди. Кейинчалик ёғингарчилик бўлмайди. Кундузи ҳарорат 28—33 даражага қўтарилади.

Ўртача ҳафталик ҳарорат

нормадагидан пастроқ бўлиши кутулади. Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институтининг мутахассисларининг фикрига қараганда, ҳафтанинг бошдан об-ҳаво фронтал фаолиятининг биринчи активлашуви билан белгиланади, бу шомолнинг қулайишига, қисқа муддатли ёғин ёғиб, жомалдиқроқ бўлишига олиб келади. Ҳавода намлик ва килород таркиби ошиб боради, ҳарорат эса ўртача 5—7 даражага пасаяди.

Бундай об-ҳаво шароитида беморларнинг асосий қўпчилигида сезиларли метеопатик таъсирланишлар бўлиши эҳтимолидан узоқ. Ёғингарчилик бўлиб, жомалдиқроқ кучайган пайтда ҳаво ўзгаришлари таъсир этуви, таъсирланишга мойил беморларнинг (қон босими, бронхал астма ва бошқа) кайфияти бироз ёмонлашуви мумкин.

Бундай беморларга профилактика тариқасида доловчи врач тайинланган тичулаштирувчи ва томирларни кенгайтирувчи дорилармонларни қабул қилиш тавсия этилади. Ҳафтанинг қолган кунларида об-ҳаво барчага ижобий таъсир этади.

волаш чоралари камайтирилиб, кўпроқ ётиш ёки ўриндан турмаслик режими, адептегон тилидаги меҳманхоналар препаратлар (азуотеронек, женьшен ва бошқалар), асбб системасини тичулаштирувчи (бром, валериана), томирларни кенгайтирувчи ва оғрикни қолдирувчи дорилармонлар тайинланади. Ҳаво атмосферасида килород таркиби камайган ҳолларда беморларга профилактика максдаларда килород билан доловлаш тайинланади.

Об-ҳаво профилактикасини талаб қилувчи турли касалликлар ўртасида юрак-қон томир системаси ва таънаҳаракат аппарати хасталиклари алоҳида ўрин эгаллайди. Қон томир патологиясининг профилактикаси системасида об-ҳаво таъсирининг олдини олиш, юмшатиш ва барҳам бериш катта ўрин эгаллайди. Салбий реакцияларнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар комплекс бўлиб, плани ривисида доловлаш, организмнинг ҳимоя кучларини оширишга қаратилган тадбирларни, мавсумий ва шомолнинг профилактикасини ўз ичига олиши лозим.

Об-ҳаво профилактикаси комплексини бўйича тадбирларни амалга ошириш медицина муассасалари ва гидрометеорология хизмати фаолиятининг энг муҳим таркибий қисмидир. Ушбу ишларнинг самараси ишчи саломатлиги ва меҳнат фаолиятини сақлашга қаратилган.

Соғлом бўлай десангиз...

Тошкент иқлими иссиқ ёзи, совуқ қиш, кўнгли кунларнинг кўп бўлиши, ҳавонинг куруқ, ёғингарчиликнинг кам бўлиши билан характерлидир. Энг юқори барометр босими ва энг юқори намлик бу ерда январь, февраль, март, ноябрь ва декабрь ойларида кузатилади. Июнь, июль, август ойларида ҳаво ҳарорати айниқсе кўтарилади.

Тургун антициклонли об-ҳаво ва кам ҳаракатли циклонлар даврида, айниқсе Ўрта Осиё шароитида инсон учун нуқсонли гидрометеорик шароитларнинг шаклланиши: йилнинг жазирама кунлари қизиб кетиш, совуқ кунларда тана совиши мумкин.

Турли салбий об-ҳаво — руҳий омиллар лабил ва энгил таъсирланувчи вегетатив томир системасини тез мувозаанатдан чиқариши, касаллик кечилишини оғирлаштириши ёки унинг кескинлашувига олиб келиши мумкин. Об-ҳаво меҳнатини турт турга бўлинади: I — гоят ижобий, II — ижобий, III — ижобий эмас, IV — ўта ижобий эмас. Дастлабки икки турдаги об-ҳаво учун ижобий режими, учинчиси — кучайтирилган назорат, тўртинчиси — қаттиқ назорат тавсия этилади.

I ва II турдаги об-ҳаво учун одадта метеопатик реакцияларнинг олдини олишга қаратилган махсус чораларни кўриш зарурати йўқ. Об-ҳаводан

таъсирланишга мойил беморларга иқлимий-профилактик тадбирлар ва оқиб ҳавода бўлиш вақтини узаётга бориш йўли билан асте-секин чиникчи усулини қўллаш тавсия этилади. Беморларга доловлаш ва жисмоний активлик режими тайинлаётган врачлар бу ҳолда организмнинг ҳолатини, об-ҳаво ўзгаришига мойиллигини, маҳаллий микроклимат хусусиятларини инобатга олишлари лозим.

III ва IV турдаги об-ҳаво шароитида профилактика ташкилий-соғломлаштириш ва доловлаш-профилактика характерига эга бўлган тадбирлар комплексини бажаришни кўзда тутати. Врач-хамширалар назорати, беморларнинг руҳий-ҳавонини турт турга бўлинади. Зарур ҳолларда об-ҳаво ўзгаришларига таъсирчан кишилар учун қулай микроклимат вужудга келтирилади, касалхона тартибига қатъий риоя қилиш тавсия этилади.

Об-ҳаво ўзгаришига таъсирчан ва организмни бўшаган беморларга, шунингдек асабий, юрак-қон томир хасталиклари билан иммунологик реакция беморларга бундай кунларда тавсияномалар бекор қилинади, физиотерапевтик да-

волаш чоралари камайтирилиб, кўпроқ ётиш ёки ўриндан турмаслик режими, адептегон тилидаги меҳманхоналар препаратлар (азуотеронек, женьшен ва бошқалар), асбб системасини тичулаштирувчи (бром, валериана), томирларни кенгайтирувчи ва оғрикни қолдирувчи дорилармонлар тайинланади. Ҳаво атмосферасида килород таркиби камайган ҳолларда беморларга профилактика максдаларда килород билан доловлаш тайинланади.

Об-ҳаво профилактикасини талаб қилувчи турли касалликлар ўртасида юрак-қон томир системаси ва таънаҳаракат аппарати хасталиклари алоҳида ўрин эгаллайди. Қон томир патологиясининг профилактикаси системасида об-ҳаво таъсирининг олдини олиш, юмшатиш ва барҳам бериш катта ўрин эгаллайди. Салбий реакцияларнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар комплекс бўлиб, плани ривисида доловлаш, организмнинг ҳимоя кучларини оширишга қаратилган тадбирларни, мавсумий ва шомолнинг профилактикасини ўз ичига олиши лозим.

Об-ҳаво профилактикаси комплексини бўйича тадбирларни амалга ошириш медицина муассасалари ва гидрометеорология хизмати фаолиятининг энг муҳим таркибий қисмидир. Ушбу ишларнинг самараси ишчи саломатлиги ва меҳнат фаолиятини сақлашга қаратилган.

Мароккли ўтган сайллар



Ўтган шанба ва якшанба кунлари Карл Маркс кўчаси сайл қилувчилар билан янада тавжумланди. Бу ерда шаҳримизнинг турли бурчақларида истиқомат қилувчи азиз ҳамшаҳарларимиз анъанага айланиб бораётган сайлда иштирок этиш учун ташриф бурюришганди.

Дам олувчилар орасида бўлиб уларнинг қандай ҳордиқ чиқарётганликлари билан қизиқдик. Суҳбатга меҳнат ветерани Раҳим Комилов қўшилди.

— Карл Маркс кўчасида сайл бўлаётганлигини эшитиб, набираларимни ҳам олиб келдим,— дейди у.— Яхши ҳордиқ чиқардик. Бу ердаги овқатларнинг турлари ҳар хил, барча ширинликлар мазади. Фақат бир истамин стол ва стулларни кўпайтириш керак. Муздаймоқ еб, шарбат ичадиганлар жой камлигидан туриб қолишмоқда.

«Қаҳрамон она» М. Ис-

ҳоқова» билан ҳам суҳбатлашдик:

— Шаҳримиз марказида ана шундай сайл қиладиган кўча жорий қилинганлигини эшитиб жуда хурсанд бўлдик. Шунинг учун ҳам бугунги сайлга Гулчехра, Ма-

дина, Фарҳоджонларни олиб келдим. Одадта кўпчилик ҳордиқ чиқарадиган кунларини қандай ўтказиш кераклигини билмай қолади. Дам олишнинг бу янги тури жорий этилганлиги жуда яхши бўлибди. Менинг бир иста-

гим ана шундай сайлни фақат шаҳримиз марказидагина ўтказмасдан, республикамиз пойтахтининг ҳар бир районидagi сўлим жойларда ҳам ташкил этиш зарур. Бунда фақат райондаги озиқ-овият савдоси, ошхоналар



Бугун биз сайл қилиб ҳордиқ чиқарётган ҳамшаҳарларимиз ва меҳмонларимиз диққатига Карл Маркс кўчасида ва унинг атрофидаги дам олиш зоналарида ташкил этилган ўтиш жойлари ва хибоналарнинг схемасини (чапда) ҳавола этмоқдамиз.

Р. НУРУЛЛАЕВ, СУРАТЛАРДА: анъанага айланиб бораётган сайлда сайр қилаётган ҳамшаҳарларимиз ва меҳмонлар.

В. Арсентьев фотолари.



XIII жаҳон чемпионатида шанба ва якшанба кунлари иккинчи турнинг сўнгги ўйинлари бўлиб ўтди. Унда қўйи-

Сўнгги соатда ФУТБОЛ БЎЙИЧА XIII ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА

даги натижалар қайд этилди: Мексика — Парагвай — 1:1, Испания — Шимолий Ирландия — 2:1, Польша — Португалия — 1:0, Бельгия — Ироқ — 2:1, Уругвай — Дания — 1:0, ГФР — Шотландия 2:1.

мамлакатимиз футболчилари

қатнашаётган учинчи гуруппа командалари учинчи тур ўйинларини бошлаб беришади. Ирапутода СССР терма командаси канадалик футболчилар билан учрашади. Леонда эса Венгрия ва Франция терма командалари ўзаро кўч синашади.

- Янгиликлар
- Воқеалар
- Фактлар

Олимпиада Ғолиблари

Умумтаълим мактабларида ўқитилаётган фанлар бўйича шу йилги Бутуниттифоқ ва республика олимпиадалари методик ва илмий-амалий жиҳатдан намунали ўтказилди. Халқаро тинчлик йиллига бағишланган бу тадбирда ўрта предмет асосида ўқувчилар билимлари баҳо берилди.

Ўзбекистон ССР Маориф ва олимларнинг 1986 йилги олимпиадаларини яқинлар экан. ўқув предметлари бўйича юқори кўрсаткичларга эришган энг яхши педагогик коллективларнинг муносиб тақдирлари. Билимлар синовидида юқори кўрсаткичларга эришган иқтидорли ўқувчилардан катта бир гуруҳи совринли ўринларни қўлга киритди.

Республика олимпиадасида биринчи ўрин Тошкент шаҳри ва пойтахт области вакилларида берилди.

Ўзбекистон ССР Маориф ва олимларнинг 1986 йилги олимпиадаларини яқинда бўлиб ўтган коллеция йиллиги қарорига биноан кўрилган бу тадбир ўқувчиларнинг билим ва маҳоратига чинакам имтиҳон бўлди. Республика олимпиадасида шаҳримиздаги қатор билим ўқувчилари вакиллари математика, физика, рус тили, чет тили фанлари методлари бўйича иккинчи ўринни қўлга киритдилар.

Келгуси йили республика мактаб ўқувчиларининг XXV математика, XVIII физика, XXI химия, XIV ўзбек ва рус тили адабиёти каби фан олимпиадаларини ўтказиш тадбирлари ҳам белгиланди.

Илмий-амалий конференция

Дарс жараёнини ўқув-тарбия ишларини амаллаштириш асосида тақомиллаштириш масалалари педагогик коллективлар олдига турган асосий вазифалардан. Ёш авлодга ҳар томонлама пухта билим бериш билан боғлиқ шу масала бағишланган йилида Тошкентда республика илмий-амалий конференцияси ўтказилди.

Ўзбекистон ССР Маориф ва олимларнинг Т. Н. Қорниёзи номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тектиршиш институти томонидан амалда оширилган тадбир мактаб ислохоти ташкил этилди. Педагогик анжуманда таъкид олинган, тажрибали ўқитувчилар, халқ маорифининг вакиллари қатнашдилар.

Конференцияни Ўзбекистон ССР маориф ва олимларнинг О. С. Аббасова кириш сўзи билан очди. СССР Педагогика фанлари академияси президиумининг аъзоси, профессор В. М. Манахов «Ислох қилинган мактабларда ҳозирги замон дарсининг дидактик асослари» деган мавзуда доклад қилди. Шунингдек, педагогика фанлари докторларидан Н. Р. Ғайбуллаев, Э. Т. Чориевларнинг ҳозирги замон дарсини тақомиллаштиришга бағишланган докладлари ҳам қизиқчи билан тингиланди.

Конференцияда ўрта яқин секция иш олиб борди. Педагоглар секцияларида юзга яқин рағбатдор докладлар билан чиқдилар.

А. АЛИЕВ.

Меҳнат қаҳрамони

билим юртида

Шаҳримизда энг кенжа ўрта ҳунар-техника билим юртилардан бири ўтган йили Қўйилқ массивида ташкил этилди. У Тошкент тўқимачилик комбинатига қарашли 56-билим юртидир. Бу ерда ўқувчиларнинг таълим олиши, ҳунар ўрганиши учун қулай шaroитлар яратиб берилган. Замонавий биноларда қозалб ёш йилги ва қизлар таълим олишмоқда.

Яқинда бу ерда ўқувчиларнинг тўқимачилик касбияти бўлган меҳр-муҳаббатни янада ошириш мақсадида ибратли тадбир ўтказилди. Ўқувчилар даврасида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, КПСС XXVII съезди делегати, Тошкент тўқимачилик комбинатининг машхур тўқувчиси Е. А. Губина меҳмон бўлиб келди. Меҳнат қаҳрамони ўзининг бўлгуси ўринбосарларига босиб ўтатган ҳаёт йўли, тўқимачилик касбининг сирлари ва унинг шарофати ҳақида маъроқ билан ҳикоя қилиб берди.

Бу билим юртида ибратли тадбирлар тез-тез ўтказилмоқда. Яқиндагина Ҳамза номли ўзбек давлат академик драма театрининг бир гуруҳи артистлари билан бўлган учрашув ҳам ўқувчиларга гоҳида манзур бўлди. Актерлар Ҳожиакбар Комилов, Саид Мухторов, Махфужа Боботўлаева ва Дилором Каримова билан рус ва ўзбек тилларида тинчлик ҳақидаги шеърларни ифодали ўқидилар, спектакллардан парчалар кўрсатди, монолоғлар айтиб беришди.

НАРОСАТ ГУЛШАНИ

Республикаимизда пушкинхонлик кунлари



Пушкин ва Тошкент

Қўл билан тиклаб бўлмас ҳайкал қўйдим ўзимга,

Халқнинг келар йўлини майса-ўлар қилмас банд:

У мағрур қад кўтарди бош эгасдан таъзимга,

Александр қўббасидан ҳам баланд.

...Узоқ замон халқ меҳрига бўлажакман мушарраф,

Чунки рубобим билан эзгу ҳислар тугдирдим.

Шу ёвуз замонамда куйладим эркин мактаб,

Хор-зорларга ачимокқа чақирдим...

Улуғ халқнинг улуғ шоири ҳамиша эзулгани куйлади ва ўзи ҳам ана шу ёруғ туйғу куйчиси бўлиб халқлар ёдида ҳам башарат бўлиб қолди. Унинг номи билан аталувчи шаҳар ва қишлоқлар, илмий масканлар, институт ва мактаблар шоирга бўлган эл муҳаббати рамайдир.

Шаҳримизда энг сўлим оромгоҳлардан бири ҳам буюк шоир номи билан аталади. Бугун бу масканда катта байрам — шеърят байрами. Оромгоҳда яна бетакрор шоир шеърлари янграйди.

Инқилоб хиббонидан бошланган Пушкин кўчаси бугун ҳар бир тошкентлик кўнгли тўрига тутади.

Т. Каримов фотолари.



Инқилоб хиббонидан бошланган Пушкин кўчаси Тошкентнинг энг сўлим кўчаларидан бири ҳисобланади. Кечалари ҳам нурафшон ва чароғон бу кўчанинг икки томони салобатли турар жой бинолари, ам-яшил дов-дарехлар, сўлим хиббонлар билан гўзал. Кўчадан одамлар оқим тинмайди. Йўл сўнгига эса тошкентликларнинг севимли оромгоҳларидан бирига айланган муҳаббатни майдон бор. У Пушкин майдони деб аталади.

Улуғ шоир ҳаёли ўрнатилган бу майдон пойида ҳаммиса гулдастлар яшнар туради. Аънавий пушкинхонлик кечалари, шеърят муҳлисари, адб ва шоирлар иштирокида учрашувлар, мушоралар ўтказилади. Гўё буюк Пушкиннинг ўзи ҳам бу мушораларда иштирок этаётган...



Пушкин

Мен сизга ачинмайман, вафосиз севгиларда

Беҳуда оқиб ўтган баҳоримнинг йиллари!

Мен сизга ачинмайман у оташин найларда

Эҳтирос-ла куйланган, эй туналринг сирлари!

Мен сизга ачинмайман, бевафо дўст,

Базмларнинг тоғлари, даврада айланган жом.

Мен сизга ачинмайман, хиёнаткор гўзаллар.

Мени ҳаёл банд этган, хурсандчилик қилмас ром.

Қайда, қайда қолдингиз, ёшлардаги орузлар.

Ва қалбнинг соқитлиги эрканатган кезлари!

Қани аввалги оташ, илҳом бахш этган завқлар,

Келинг, келинг, муштоқман, баҳоримнинг йиллари.

1820.



Шоир мерос этган қўшиқ

Гўзал Молдавия, Пушкино қишлоғи, Юракни яратар поэзия байрами. Хилираб, нур сочиб турди дунёга Пушкин мерос этган қўшиқ байроғи. Кўзойнаксиз, хатта қарамай, ёддан Довид Кузунтинов ўқиди шеърини. Далами титратган порлоқ товушлари, Ола қалмоқ тилида бахш этиб меҳрини. Сўнг гулдорос солиб Гевор Эмин, Пушкин шеърларини арманчалади. Шоир доҳилини ҳақида айтган, Ҳар бир сўзи мисли олов ёнади. Диллар ром қардошлик анжуманида, Пушкин тиркич—сўзлар халқлар тилида. Гений меросхўри саналган авлод, Дунёга шеър айтган устоз дилидан. Пушкино қишлоғини бағрини тўлдириб,

Пушкин сайр этиб юргандай бўлди. Гулларнинг янлаган дуодоларида, Юлдуз ёниб, офтоб кулгандай бўлди. Шеърят қўшини ҳар битта сатри Халқлар юрагига томон йўл олди. Пушкино қишлоғини ларзага солиб, Қалбар олқийлади, Қўл қарсақ чалди. Кўп тили даврада, Молдавияда, Пушкинода дилдан шеърим ўқидим. Шу улуғ шоирни берган заминга, Юрак мактобидан қашта тўқидим. Пушкино қишлоғи, Молдавияга — Пушкин дадил кириб келгандай бўлди. Турфа шоирларга шеър ёрлиғи, Ўзи улаштириб бергандай бўлди.

Толябой ҚОБУЛОВ.

—1—

Соҳилга келиб, катта, бўжур тошга суяганимча, денгизга тикилдим. Олис бир нуқтага микланган пароход худди оқ иморатга ўхшар, унинг қайси томон сурнаётганини биллиб бўлмас эди. Ундан ҳам олдига парда тортиб турган пуштранг булут тоғ тизмаларини эслатар, ёки тик қараб бораверсанг, чиндан ҳам тоққа йўлиқадигандек туюларди. Денгизда пароход ва мана шу булутдан бошқа ҳеч нарса йўқ эди.

Сув офтоб нурларига қоришиб, ойнадек ялтирар, тўқкилар шалоплаганча, қир-ғоққа оҳиста бош урарди.


Ниҳоят пароход булутга сингиб кетгандек бўлди. Аммо шу аснода сиёҳ тўқкилардек, булут этатида нимадир қорайиб кўрина бошлади.

У дам сайин каттариб борганича, аниқ шакл-шамойилга кирди: қайиқ.

Денгиз бўйида яшайдиган балиқчилар баъзан ярим тун, баъзан тоғ-саҳарда денгизга чиқиб, узоқ-узоқларга кетиб қолдиларию кун ёйилганида, соҳилга қайтишларини билардим. Бу қайиқ ҳам балиқчиларнинг бўлса керак деб ўйладим. Аммо қайиқ яқинлашиб, охири нақ менинг рўпарамга келиб тўхтади. Мен кўнглимде, қайиқда одатдаги ҳорғин кекса балиқчилар эмас, ўрта ёшлардаги келишган бир киши билан нисолтада чиройли бир жувон бор эди. Улар қайиқдан тушиб, унинг буридан арқонни ярим сувага ботиб ётган тошга наридан бери боғлашди.

Омон МУХТОР

ТОШКЕНТДАН ОЛИСДА



ХИКОЯ

—3—

врачнинг гапи таъсир қилиб, тез орада мана шу денгиз бўйидаги шаҳарчага, давл олгани келдим. Бу ерда юрак ютуб келганим ёмон бўлмасди-ку, аммо уч-тўрт кун деганда, Тошкентни, уйини соғиниб, эзилганимча, ўз-ўзимдан шунчада зерикдимки... Таассуротим қизик: менин гўёки бироз мажбуран, бадарга қилиб, бу ерларга юборганидек эди. Энди врачнинг олдига «сайраганим» эси эслаб, бир бўйисам, дарров унинг гапига кирганимга икки бўйилардим...

Умуман, денгиз билан мулоқот гашти, шаҳарча ҳавоси мўътадил, бу ерда дам олиш учун ҳамма нарса муҳайё... ҳар қандам магазин, дўкан... анкининг уруғидан бўлак нарса кўча-кўйининг ўзига тўлиб-тошиб ётибди... Бир-биридан рангин бинолар, томоҳоналар... Боғлар, чинорлар, фавворалар, бўлоқлар... Фақат ер ёрилиб, одам чиққанга ўхшайди. — Ишлайдиган одам кўп десам, дам олишга иштиёқманд одам ҳам кўп экан дунёда! Йўлда, кўчада туртинчи-суртинмасдан юрмоқсан. Сал нафас ростлашни йўлангиде, шубҳасиз: «бу ер банд, отаганим!» — дейдиган бирон қария ёки қалпир оёқ остида пайдо бўлади... Энг беъмъни томоҳонанинг эшигида ҳам одам

—5—

қолга тушгандек ҳис этдим. Буниси майли. Мен бошқа бир нарсга ҳеч ақлим етмасди: бу одамлар менинг озор кетмас-кетмаслигимга неча пуллик иши бору булар бахтининг менга нима алоқаси бори! Уйлабни-тарангсиган алфозда охири, майли, шуларнинг бахти барбод бўлмасин, мен ҳам озор кетмай қўя қолай, деб катта, бўжур тошни тарк этганимча, четроқдаги кичик бир тош устига бориб чўнкайдим.

Келишган киши билан чиройли жувон эса энди тез киришиб, қайиқдан ҳар тил тутунлар, аллақайлар нарсаларни қирғоққа ташиб бошлашди. Кейин, қуёқ дарахт соҳида ўтиришга жой ҳозирлашди. Ниҳоят, боғни ошман яна менга юзланди:

— Нонушта қилмаган бўлсангиз, келинг... Ёрида нонушта қилалмик...

Мен эсимдан: бугун нонушта қилмай чиққан эканман. Сабаби! Дам олиш уйдаги ҳаммадан мени ҳаммадан ҳам кўйдирган эди. Ёши ўттизга бориб-бормаган йигитча... аммо оёқси вақтида гап учун туқанми, айрим ичиоғрик чоллардек, ҳар деб эзмаланаверарди. Унинг айниқса, ҳар кун камиди икки марта: «Денгизга бориб,

—7—

Булар аниқ қардан, ким! — Бунин сурини-тиришга эса унгулолмадим. Зорак, мендан олдинроқ улар ҳол сўрашга тушди... Менин Тошкентдан эканлигим биланларин захоти, чугурлашиб, бир-бирларига гал бермай, Бухоро, Самарқанд, Хивадан ажойиб дунёда ўзбекларга етадиган ажойиб халқ йўқ, деб эътирос билдиришмадан кўрибми, мени — оғиз очгани кўймасдан ялаб-юлқушга тайёр меҳрибонларимга айланишди-қолишди... Бироқ бу ҳаммаси ўз йўлига, мен уларни кузатиб, шу палла бошқа ажиб бир ҳолатни ҳис этдим: булар бир-бирларини севинибди! Бахт, хурсандлик ҳақидаги боғлиқ сўзлар ҳам, мендан тортиб халқимизча меҳр-илтифот ҳам — барчаси, севги нисомли Чунки, нисон қалбини муҳаббат нурлари ёритиб турганида, у бутун оламнинг мунаввар бўлишини истайди...

Нонуштадан кейин, улар шаҳарчани бир қўл айланишмоқчи эканликлари айтишиб, мени ҳам таклиф қилишди. Мен уларга

—9—

ни севинибди, деб ўйлаганимдан бўлак асос йўқ, баъзан ўрилар, гирром одамларда ҳам муҳаббат бўлишини эсласак, бу мумкин эди!

Шунга қарамай, айни фурсатда бу кўнглим эмас, мени бу қаттиқ ташвишга солган эди. Мен шу аснода фақат Зулайхо тўғрисида ўйлардим...

Зулайхо...

Жувоннинг исми боз қулоғимга иссиқ урилган, менга бу исм негадир таниш туюлган. Гап, нахотики, «Осуф ва Зулайхо» достони устида бораётган бўлса! Йўқ! Бу боз достон эди. Мен соҳилда туриб, уни секин-аста хотирлай бошладим... Бундан аниқ йил муқаддам бир дўстим менга ўз бошидан кечирган муҳаббат тарихини ҳикоя қилиб берди. Ҳикоя менда кучли таассурот қолдирди. Беш—ун кундан кейин, оқшом пайти ишдан қайтганга қўйиб, бехосдан, одамлар газетига ҳар хил гапларни эътиҳоди-ку, мен ҳам эшитганимни эъсалам, деган ҳаёлга бордим. Дарҳол қороз-қалам олиб, ёзиш

—2—

Денгизга турли ёшдаги кишилар сайр қилгани чиқиб туришди. Бироқ ҳозиргидек эрталаб эмас, бу аср кечки пайтларда бўлади. Унинг устига, қайиқда келганлар балиқчиларга яқин йўлашмаганидек, сайрга чиққан одамга ҳам ўхшамас эди: ҳатти-ҳаракатлари ўлчовли, аниқ, қандайдир мақсадга бўйсунган. Шу сонияда мени яна бир нарсга ҳайратга солди.

Кўп одам келиб-кетадиган, одамлар бир-бирига асосан, бегона деб қарайдиган карвонсарой қабилдаги бу қирғоқни эгаллаган шаҳарча атрофидаги ерларда учраган киши билан сакмоллашиб, тўғриси, деярли ҳеч кимда майлу рағбатининг ўзи топилмайди. Ҳозир рўпарамда пайдо бўлганлар эса, қайиқни сув олиб кетмаслигига ишонч ҳосил қилишган, негадир икковлар ҳам жилмайишиб, бошларини сикитишганча, мен билан эски қаддонлардек саломлашди.

— Биз сизга халал бермаймизми, дўстим! — сўради шундан сўнг келишган киши, яна айтишми керакин, тўпалонли — телба шаҳарчада одам беҳтёр эсдан чикариб қўядиган — аллаёичук мулозамат билан.

— Йўқ. Мен шунчаки айланми... Кетмоқчи бўлиб турганим, — дедим унга жавобан, лаж ва бир оз ноҳуз қўйдим. Бироқ ҳақиқатан ҳам энди кетмоқчи эдим. Гап шундаки...

Сўзини узоқроқдан бошлаш...

Сўнги тўрт-беш йилда Тошкентдан ҳеч ёққа чиқмаган, дам олишни ўйлаб ҳам кўрмагандим. Кутилмаганда бизнинг иқтисод бўйича ҳисоб-китоб юртакдан идорамиз ходимлари тиб назоратидан ўтишга тўғри келиб қолди. Мен ҳам бордим. Врач иқтигана, осийишта аёл экан, аҳолим қандайлигини менин ўзимдан эринмай сўраб-суриштиришга тушди. Тилининг суяғи йўқ, нима бўлиб: «Соғлигим яхши, фақат баъзан зерикман, арзмаган нарсаларга асабийлашман, билмадим, толиқмадиммикин!» — деб юборибман. «Секин айтасизми, толиққансиз, албатта — деди врач онадек меҳрибон оҳангда — Ишингиз диққинафас иш. Кунин бўйи рақамларга қўйилиб, қимир этмай ўтиришининг ўзи бўлади!» Йилга бир марта дам олмасангиз, бу боришда... очиқ гапирарман... келажакда ўзингизни ҳам, бизни ҳам қийнаб қўясиз... Жон ширин,

—4—

тирбанд. Денгизнинг чўмилишга мўлжалланган қирғоқларини айтмайсанми! Арининг уяси... эркак-аёлу халл оғиб чиқмаган болаларча, шу ерда, бир-бирининг пинҳинга тикилиб ётибди.

Аммо шаҳарча этатида соҳил бошқача! Мен туюв кунин пойи-пикёда юриб қўқисдан бу ерни кашф этдим. Бу ерда балиқчилар билан ўзича сайр қилишини ўйлаган кишиларингизга аҳён-аҳёнда учратасан. Атроф жимжит, тинч. Соатлаб ҳайбатли, улғурот денгизга тикилиб, ҳаёл сурш мумкин. Соатлаб она-табак билан сирлашми...

Ҳақини қайиқдагилар келишганча, нуримда, ошга пашша тушгандек бўлди. Мен энди бу ердан кетишга қарор қилдим.

Бироқ...

— Кетманг, — деди қаршимдаги киши олдингидан кўпроқ мулозамат, қандайдир илтижо билан. — Кетсангиз, биз сизга озор етказганга ўшаб қоламиз. Бахтимиз барбод бўлади...

Бу одам менин ҳолатимга дарҳол тушганига таажжубланиб, шу билан бирга, кетиб-кетмасликка иккиланганимдан, ўзимни ноқулай, қўлгили

—6—

хонимларин бундай томоша қилмаймизми! Ёки «Биронтаси билан танишса, охири нима билан тугаркин!» — қабилда чанйалишиб баъзан кишининг жонига тегарди. Мен бугун уни уйқуда қолдириб, дам олиш уйдан «қочган» эдим.

— Келинг, уялманг. Биз хурсанд бўламиз! — менинг паришонлигим турганимни кўриб, сўз қотди бу гал чиройли жувон.

Улар ўртага ёзган дастурхонда йўлдаги кишиларга одатда хос бўлган — нон, яхна гўшт, пишлоқ, қайнатилган тухум, каттагина термосда чой бор эди.

Мен дастурхон олдига чўкиб, оғзимга бир бурда нонни ташлаганча, уларга энди илк дафъа рази солдим. Тимқорса соҳалари, бугдойранг юзи, чақоқ кўзлари биланми, елкаларини кўтариб, қандайдир тик, гоз бўлиб ўтиришлари биланми, буларнинг иккиси ҳам менга кавказликларини эсла-тишди. Балки жувоннинг бўйидаги маржон, ҳамроҳи қўлидаги безакли пичоқ бунга сабаб бўлганди. Ҳарқолда, шундай ҳаёлга бордим... Аммо, кавказлик, дегани, масалан, осмели, дегандек катта тушунча.

—8—

халал бергим келмадими ёки уларнинг дўстона муносабатига мос иш тутушини ўйладимки, шу ерда, қайиқ ёнида қолмоқчи бўлдим.

Ошларини қирғоққа ташлаган нарсаларини қайтиб йиққанча, қайиқдаги бошқа тугунлар ёнига қўйишди. Қайсидагир тугундан бир қисми пўл олмишди. Шу орада яна узоқ-юлқу гаплашдик. Мен уларга ўзини таништирдим: Исмом. Келишган киши — Асқар, жувоннинг исми Зулайхо экан.

— Демак, ҳозирча ҳайрлашмаймиз, — деди менга Асқар. — Зулайхо бир-икки магазинни кўрса, бўлди. Узоқ кетмасак керак. Шунин айтган, улар шошилишганча, шаҳарча томон жўнашди.

Аммо...

Улар ҳадеганда қайтиб келишмади. Орадан бир соат... икки соат ўтди. Сирасини айтганда, қизик иш бўлганди. Мен ўзим учратган бу одамларни яхши билмай туриб, улар қолдирган нарсаларга қўровулликни бўйинимга олаверганимди. Менин уларга ишонганимга, бир-бирларини

—10—

га киришдим... Аспиде, бу оддий воқеа эди. Абдумажид деган ўзбек йигити катта бир шаҳарда Фотима деган кавказлик қиз билан тасодифан танишди. Улар кунин бўйи сузбашлашиб юришди. Аммо кечта томон одамлар гужон ўйлаган аллақайси кўчада бир-бирларини яна тасодифан йўқотиб қўйишди... Менин ёзганим бадий асар ҳам, мақола ҳам эмас, шунчаки ҳаёт манзараси эди. Аммо олдиндан ўйлаганимдек, уни редакцияга кўтариб бердим. Редакция ходими мени лоқайд, ҳатто ки сал эзилб-есабйлашиб қарашлади. Ҳаммаси эганим келганини ёзаверди, дегандек қўлимдаги қозғонни истар-истамас олиб, четга суриб қўйди. Бирон ҳафтадан кейин кириб, ўйиб, кўярман, деди қозғон очилганга қўйди.

Мен редакцияга қайтиб оғимга тортиганидан, бир ҳафта эмас, тахминан бир ойлардан сўнг, ўшанда ҳам ўз-ўзини мажбурлаб бордим. Бироқ...

(Давоми бор).

Болаларнинг беғубор олами

Мексика кундалиги

АФРИКА ФУТБОЛИ
ТАСОДИФЛАРИ

носабат ва меҳмондўстлик учун Мексика ҳукумати ва халқига миннатдорчилик изҳор этиш мақсадида Мексика президенти Мигель де ла Мадрид резиденциясига ташриф буюрган. Қабулда Эйсебио, Кубиллас, Чарлтон каби машҳур чарм тўп усталари, жаҳон чемпиони — аргентиналикнинг тренери Менотти билан бирга СССР терма командаси раҳбарларидан бири — СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери ва тренер Никита Павлович Сиомонян ҳам ҳозир бўлган.

«Эксельсдор» ҳамда Мексикадаги бошқа машҳур «Овасион» газетаси, «Афисон» ва «Эсто» спорт нашрларида бошланғич хабарларда жазиралар Африканинг икки вакили — Марокеш ва Жазоир терма командаларига ва биринчилигининг ҳал қилувчи матчида бу командалар сабаб бўлиши мумкин тасодифларга алоҳида ўрин берилмоқда.

Марокешликлар учун Мексика бахтли мамлакат ҳисобланади. Улар 1970 йили биринчи марта ана шу ерда жаҳон чемпионатида иштирок этишган эди. Ушунда африкалик футболчилар Болгария терма командаси билан 1:1 ҳисобида ўйнаб, кескин курашда бир тўп фарқи билан (1:2) ГФР спортчиларига ютқишдан, сўнгра Перу терма командасидан 0:3 ҳисобида мағлубиятга учраган эдилар.



караганда Фарнанинг шогирдлари бу ерда — Мексикада ҳам чакки уйнашаётгани йўқ. Улар ҳеч тап тортмай, жаҳон чемпионатларининг икки карра бронза совриндори — Польша терма командаси билан биринчи матчида дураниг ўйнашди.

«Технолохико» стадионида ўтган жума кўни бўлган матчида ҳам улар Англия футболчилари билан дуранигга эришдилар.

Энди марокешликлар учун Португалия терма командаси билан 11 июнь кўни Гваделупа бўлидаги гуруппадаги сўнгги учрашув ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Биз португаллар билан қандай ўйнашни билемиз, муваффақият қозонишимизга.

ишонамиз, — дейишди бир овоздан И. Фарна ва Марокеш терма командасининг етакчи ўйинчиси Муҳаммад Тимуми.

«Ким билади, эҳтилол марокешликлар тренери чиндан ҳам амалидир, — деб ёзишди газеталар. — Ахир команда Мексикага йўллангани кўлга киритса, у католикдан мусулмон динига ўтаман деб берган ваъдасини бажариб, эндиликда Мексика Фарна деб атала бошладик».

Жазоир футболчилари жаҳон биринчиликларида иккинчи марта иштирок этишпти. Ҳозир ҳам кўпчилик Испания чемпионатини эсласа керак. Ушунда, яъни тўрт йил муқаддам Жазоир терма командаси ҳаммани ҳайратда қолдирган. У икки карра жаҳон чемпионатини (2:1 ҳисобида), сўнгра Чили командасини мағлубиятга учратиб, тўрт очко тўплаган эди. Аммо ГФР ва Австрия футболчиларининг шарҳидаги келтирилган тўғриликлар нисбатан фавқулодда қилишди.

Бу йил совет футбол педагоги Евгений Роговнинг шогирди Раёх Саадан тренерлик қилётган жазоирликлар Испаниядаги муваффақиятлари тасодифий эмаслигини яна бир бор исботладилар. Мексикага йўллангани кўлга киритган Жазоир терма командаси дастлабки икки учрашувни юксак

даражада ўтказди. Улар Шимол Ирандаги командаси билан дураниг (1:1) ўйнаб, мурасиз беллашувда «Селасо Бразильера»га — уч карра жаҳон чемпиони бўлган бразилияликларга 0:1 ҳисобида ютқишга қўйишди.

Жазоирлик футболчилар тақдирини ҳам гуруппадаги Испания терма командаси билан бўлидаги сўнгги матчида билишди. Бу ўйин 12 июнда Мексикада бўлади. Жазоирликлар — уларнинг аксарияти Франция, Португалия, Бельгия, Англия профессионал клубларида ўйнашади — ана шу учрашувда ўз кучларини тўла намойиш этишга ҳаракат қилиши сир эмас.

Биз умидсизланганга минсиз йўқ, — деди Саадан. Жазоир терма командасининг етакчи ўйинчиси Харкук эса «Биз — Европада ўйнайдиган 11 профессионал Африка футболчи шўхлигини ошириш учун бутун кучимизни сарфлаймиз, деб қўшиб қўйди.

Гуруппалардаги сўнгги матчида жазоирлик ва марокешлик футболчилар қандай ўйин кўрсатишини айтиш қийин. Аммо бу ҳадемай маълум бўлади.

Ўтган жума кўни Болгария — Жанубий Корея матчида ҳам кутилмаган натижага қайди элиди. Болгарлар галаба қозонишга қанчалик ҳаракат қилишмасини, учрашув 1:1 ҳисобида дураниг натижа билан ту-

гади. Венгрия терма командаси ўзининг биринчи галабасини кўлга киритди. Мезон шогирдлари дадил ва ҳамжиқатлик билан ўйнаб, канадаликларни 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратишди. Энди уларнинг нимчорак финалга чиқиш-чиқмасликлари французлар билан бўлидаги ўйин натижасига боғлиқ. СССР терма командаси эса сўнгги матчида канадаликлар билан учрашади. Канада терма командаси чемпионатни аяқлади деса ҳам бўлади, аммо сўнгги матчида кўларини кўрсатишлари мумкин.

Гуруппадаги жойлар тақсимида муҳим аҳамиятга эга бўлган Аргентина-Италия матчи нисбатан кескин, мурасиз кураш азиятида ўтиди. Альбеллининг 11 метри жаҳонга белгисидан киритган тўпига аргентиналик Маредона ўз голи билан жавоб берди — 1:1.

Шанба ва якшанба кўнлари яна олти учрашув бўлиб ўтиди. Уларнинг натижаларини газетамизнинг биринчи саҳифасидан ўқиб, билишингиз мумкин. Тафсилотларини эса газетанинг эртанги сониде ўқийсиз.

Адиос! Хайр, дўстлар! Сизнинг ПИКЕ.

Редактор

Т. М. ҚОЗОҚБОВ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 10/VI да Майсаранинг иш, 11/VI да Жезель. МУҚИМий НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 9/VI да Лайли ва Мажнун, 11/VI да Зулдир.

КИНО

9 ИЮНДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«УДАБАУРОН» — Чайка (18.30, 21.00; телефон 77-06-20), Ватан (11.16, 21.00; телефон 74-30-34), Нукус (18.30, 20.45; телефон 46-70-6569), Москва (19.30, 21.00; телефон 3-33-05-01).

«ИККИ ЕКЛАМА ҚОПҚОН» — Қозоғистон (17, 18, 20, 21.00; т. телефон 35-24-92).

«ДАХШАТЛИ ОРОЛ СИРИ» — Тошкент Советининг 50 йиллигини (жуфт соатларда, телефон 7-78-47-25).

«ШАКТИ» — Восток (21.00; телефон 91-14-61), ВЛКСМ 30 йиллиги (17, 22.00; телефон 33-44-52), 9-ўзбекистон ССР 25 йиллиги (18.30, 21.00; телефон 53-65-87).

«ГУЗАЛЛИК САЛОНИ» — Лисисусов номи (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«ЙУЛЛАДАГИ ТЕКШИРУВ» — Исхара (18, 20.00; телефон 39-1-14-59).

«УЧ АКА-УКА» — К. Ерматов номи (17, 20.00; телефон 24-2-22-66).

10 ИЮНДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«УДАБАУРОН» — Чайка (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 7-77-06-20), Ватан (12, 15, 18, 21.00; т. телефон 74-30-34), Нукус (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45; телефон 46-70-6569), Москва (11, 13.30, 16, 19.30, 21.00; телефон 33-05-01).

«ИККИ ЕКЛАМА ҚОПҚОН» — Қозоғистон (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20, 21.00; телефон 35-24-92).

«ДАХШАТЛИ ОРОЛ СИРИ» — Тошкент Советининг 50 йиллигини (жуфт соатларда, телефон 7-78-47-25).

«ШАКТИ» — Восток (11, 13.30, 21.00; телефон 91-14-61), ВЛКСМ 30 йиллиги (11, 14, 17, 20.00; т. телефон 33-44-52), 9-ўзбекистон ССР 25 йиллиги (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 53-65-82).

«ГУЗАЛЛИК САЛОНИ» — Лисисусов номи (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«ЙУЛЛАДАГИ ТЕКШИРУВ» — Исхара (12.20, 14, 16, 18, 20.00; т. телефон 39-14-59).

«УЧ АКА-УКА» — К. Ерматов номи (11, 12, 13.30, 17, 20.00; т. телефон 24-22-66).

ЎЗЛИК ЛИБОСЛАР
НАМОЙИШИ

«ПЕРСПЕКТИВА»

МАГАЗИНИДА

10 июнь соат 16.00 да ХОТИН-ҚИЗЛАР ЎЗЛИК ТИКУВ ВА ТРИКОТАЖ ЛИБОСЛАРИ НАМОЙИШИ ВАИА САВДОСИ ЎТКАЗИЛАДИ

Савдо кўргазмаси нинҳонсиде бўлидаги харидорлар конференциясида сиз Тошкентдаги «Малина» трикотаж ишлаб чиқариш библиомаси, республика либослар моделилари уйи, республика пофазал м моделлари уйи, Тошкентдаги тикув ишлаб чиқариш библиомаси ва республика трикотаж буюмлари моделилари уйи вакиллари билан учрашганингиз мумкин.

Адрес: Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги проспекти, 3-а уй, (метронинг «Халқлар дўстлиги» станцияси).

«Ўзбекистон» фирмалари савдо библиомаси (телефон 45-53-6860). «Союзторгреклама» Бутугуни-тифок библиомасининг Ўзбекистон реклама агентлиги.

ДИҚҚАТ!

Шимол-Шарқ массивида сув босимини қучайтириш насаос станцияси ишга туширилгани муносабати билан

10 июнь соат 10.00 дан бошланиб 11 июнь соат 20.00 га қадар Куйишнинг районидида Тошкент трактор заводи, Шимол-Шарқ, Висковольтиги массивлари ва уларга туташ кўчаларда

СУВ БОСИМИ

КАМАЯДИ.

«ВОДОКАНАЛ» трест.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДУСТЛИГИ САРОИДА 13, 14, 15 ИЮНЬ СОАТ 20.00 ДА

Анжикон Давлат филармониясининг солисти, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Нуриддин ХАМРОҚУЛОВ

иштирокида

КОНЦЕРТ

Қатнашадилар: Дадахонов Ф.А. НИБЕВ, Зулхумор ҚОДИРОВА ва бошқалар.

Билетлар сарой кассаларида соат 14.дан 20.00 гача сотиладди.

ТОШКЕНТ САЕХАТ
ВА ЭКСКУРСИЯЛАР
БЮРОСИҚУИДАГИ МАРШРУТЛАР БУЙИЧА
САЕХАТЛАРГА ТАКИФ ҚИЛАДИ

Светлогорск (Калининград области) — 30 сентябрь — 9 октябрь; 29 ноябрь — 8 декабрь кунлари.
Путёвка баҳоси — 249 сўм.
Озерск (Подмосковье) — 20—29 октябрь кунлари.
Путёвка баҳоси — 247 сўм.
«Великож» туристик комплекси (Подмосковье) — 21 июнь — 1 июль; 31 август — 19 сентябрь; 20 сентябрь — 9 октябрь кунлари.
Путёвка баҳоси — 344 сўм.
Уфа — «Атидеп» туристик базаси — 25 июнь — 13 июль; 10—27 август; 20 август — 6 сентябрь кунлари.
Иваново-Плес — 22 июнь — 8 июль кунлари.
Путёвка баҳоси — 287 сўм.
«Байкал» туристик базаси — 22—30 июнь; 16—24 август; 24 июль — 6 июль кунлари.
Путёвка баҳоси — 261 сўм.
Воронеж — «Спутник» туристик базаси (болалар ота-оналар учун) — 20 август — 8 сентябрь кунлари.
Путёвка баҳоси: катталар учун — 315 сўм, болалар учун — 225 сўм.
Пермь — 16—30 июль; 1—15 август, 15—29 август кунлари.
Путёвка баҳоси — 249 сўм.
Араган — Сухуми — 10—29 сентябрь; 30 сентябрь — 18 октябрь кунлари.
Путёвка баҳоси — 305 сўм.
«Алексия Бор» туристик базаси — 15—29 сентябрь кунлари.
Путёвка баҳоси — 285 сўм.
Омск — «Иртиш» туристик базаси — 13—27 июль; 25 июль — 8 август; 6—20 август; 18 август — 1 сентябрь кунлари.
Кауровская туристик базаси — Свердловск — 13—31

июнь; 27 июль — 15 июль кунлари.
Путёвка баҳоси — 235 сўм.
Чернаяская туристик базаси — Свердловск — 29 июль — 17 июль; 27 июль — 14 август кунлари.
Путёвка баҳоси — 235 сўм.
Узкок Шарқ халқаси маршрути — 15 август — 2 сентябрь кунлари.
Чукоткадан Амурга — 30 июнь — 20 июль кунлари.
Южно-Сахалинск — Корсаков — Кунашир ороли — Южно-Сахалинск — 10—27 август кунлари.
Владивосток — «Тихий океан» туристик базаси — 8—22 июль; 13—22 июль; 21—30 август кунлари.
Владивосток — «Лазурный берег» туристик базаси — 13—24 июль; 21 июль — 11 август кунлари.
Воронеж — «Берёзка» туристик базаси — 9—28 июль; 30 июль — 19 июль кунлари.
Путёвка баҳоси — 262 сўм.
Ялта — 12 июль — 2 июль кунлари.
Путёвка баҳоси — 332 сўм.
Кутаиси — «Зеленый Мис» — 13 сентябрь — 3 октябрь кунлари.
Путёвка баҳоси — 276 сўм.
Евпатория 28 сентябрь — 17 октябрь кунлари.
Путёвка баҳоси — 323 сўм.
Ессентуки — 23 сентябрь — 12 октябрь кунлари.
Путёвка баҳоси — 270 сўм.
Кисловодск — 25 август — 13 сентябрь; 15 сентябрь — 9 октябрь кунлари.
Путёвка баҳоси — 285 сўм.
Базалети — Сухуми — 27 август — 16 сентябрь; 1—21 сентябрь; 16 сентябрь — 6 октябрь; 6—25 октябрь; 11—31 октябрь; 21 сентябрь — 6—11 октябрь кунлари.
Путёвка баҳоси — 305 сўм.
Базалети — Зеленый Мис — 25 август — 12 сентябрь; 12 сентябрь — 2 октябрь; 2—22 октябрь кунлари.
Путёвка баҳоси — 304 сўм.
Базалети — Гагра — 14 сентябрь — 4 октябрь кунлари.
Путёвка баҳоси — 333 сўм.
Адлер — 22 сентябрь — 14 октябрь; 13 октябрь — 2 ноябрь кунлари.
Жданов (Азов денгизи) — 16—20 июль; 18 июль — 2 июль; 3—18 август; 19 август — 3 сентябрь; 4—19 сентябрь кунлари.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ
БОШҚАРМАСИНИНГ
43-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
ҚУШИМЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўрта маълумотли йигит-қизлар ҳамда Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтганлар қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул қилинади.

Қурилиш бўғачиси, сувоқчиси, қурилиш дурадгори, пайвандловчи, электр пайвандловчи, темир-бетон конструкторларининг монтажчиси, гипс терувчи.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚУШИВ ҲИСОВЛАНАДИ.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ўқувчиларга ҳар ойда 30-45 сўм стипендия берилади. Шунингдек улар ишлаб чиқариш практикаси даврида тоғнам меҳнат ҳақларининг 50 процентини олади.

Билим юртида спорт секциялари ва бадий ҳаваскорлик тўғрисидаги хужжат, турар жойдан справка, соғлиги тўғрисида справка, 3х4 см ҳажмидаги 4 донна фотосурат.

Паспорт ва ҳарбий билет (ёки ҳарбий рўйхатда турганлиги тўғрисида гувоҳнома) шахсан кўрсатилади.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Юнусов маҳалласи, 7-квартал (25, 28, 29-трамвайларнинг сўнгги бекати).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг
41-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1986 — 1987 ЎҚУВ ИЛИ УЧУН
қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

автокранчи, «С» категорияли ҳайдовчи (3 классли), автомашиналар ремонтчи бўйича слесарь, бульдозер, скрейпер, грейдер слесарь-сантехник.

ЎҚИШГА 15 ВА УНДАН КАТТА ЕШДАГИ 8-10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҲАМДА СОВЕТ АРМИЯСИ САФИДА ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАБ ҚАЙТГАН ЙИГИТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Ўқини мuddати 3 йил ва 1 йил.
МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯВРДА БОШЛАНАДИ.

Ўқини даврида слесарь-сантехник, дурадгор (ўқини мuddати 1 йил) ихтисосликлари бўйича ўқувчиларга ҳар ойда 65 сўмдан, бошқа ихтисосликлар бўйича эса 30 сўмдан стипендия тўланади. Ишлаб чиқариш практикаси даврида ишлаб тоғнам меҳнат ҳақининг 50 процентини ўқувчиларга берилади.

8-синф ҳажмида маълумот билан ўқини кирганлар тўлиқ давлат таъминотида бўлади.

Билим юртини битирганлар В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш библиомасига ишга юбориладилар.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚУШИВ ҲИСОВЛАНАДИ.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганларга техник олий ўқув юртиларининг қуйидаги бўлимига янгиёзла равишда конкурсга кириб ўқини хушқўна берилади.

Ўқини кирувчилар қуйидаги хужжатларни топширишлари шарт: билим юрти директори номига ёзилган ариза, маълумоти тўғрисидаги хужжат, 286-формадаги медицина справкиси, турар жойдан справка, 4х5 см натавликдаги 6 донна фотосурат.

Мурожаат учун адрес: 700128, Тошкент шаҳри, 128-аҳоли бўлими, Октябрь райони, Хушид кўчаси, 86-уй (44, 48, 97-автобуслар, 10-троллейбус, 10, 23, 27-трамвайларнинг «Лабзак» бекати).

Телефон 41-38-22.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг
ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ
32-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
8-10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТ БУЛГАН ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРИНИ
ҚУИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БУЙИЧА

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ҚАНДОЛАТЧИ, НОВВОЙ, СОВУТИШ ҚУРИЛМАЛАРИ РЕМОНТИ ВА УЛАРГА ХИЗМАТ КўРСАТИШ БУЙИЧА МЕХАНИК, НОН ЁПИШ САНОАТИ МАШИНА ВА УСКУНАЛАРИНИНГ СОЗЛОВЧИЛАРИ, САНОАТ УСКУНАЛАРИНИНГ РЕМОНТЧИ-СЛЕСАРЛАРИ (нон заводлари учун).

Ўқини мuddати 10-синф маълумоти билан бир йил, 8-синф маълумоти билан икки йил.
Билим юртига 8-синф маълумоти билан қабул қилинганлар 3 маҳал бепул овқат, формали кийим-боши, яхши жиҳозланган ётоқхона билан таъминланади. Ишлаб чиқариш практикаси вақтида ўқувчилар иш ҳақининг 50 процентини миқдорда пул муқофоти олади.

Билим юртига 10-синф маълумоти билан қабул қилинганларга ойна 30 сўмдан стипендия берилади. Республика районларидан келган йигит ва қизлар яхши жиҳозланган ётоқхона билан таъминланади.

ЎҚИШ ВАҚТИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚУШИВ ҲИСОВЛАНАДИ.

Билим юрти қошида кечки мактаб ишлаб турибди. Турли спорт секциялари, бадий ҳаваскорлик ва бошқа тўғрақлар мавжуд.

Билим юртини битирганлар малакали ихтисос эгаси сифатида «ЎРТОҚ» КОНДИТЕР ФАБРИКАСИГА, «ТАШКЕНТ-ХЛЕБ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАЛА, РИГА, бошқа шаҳарлардан келганлар эса ўзларининг яшаш жойларидаги қорхоналарга ишга юбориладилар.

БИЛИМ ЮРТИНИ АЪЛО БАҲОЛАР БИЛАН БИТИРГАНЛАРГА ЎРТА ВА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИЛАРИГА КИРИВ ЎҚИШ УЧУН ЙўЛЛАМА БЕРИЛАДИ.

Билим юртига кириш учун қуйидаги хужжатлар лозим бўлади: билим юрти директори номига ариза, маълумоти ҳақидаги гувоҳнома ёки аттестат, паспорт ёки туғилганлиқ ҳақидаги гувоҳнома, турар жойдан справка, медицина справкиси (086/У формада) 6 донна 3х4 см. ҳажмидаги фотосурат.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Куйишнинг райони, Гёте кўчаси, 52-уй (21, 49-автобусларнинг «2-нон заводи», 3, 23, 29-трамвайларнинг «Фонтанная» кўчаси бекатлари).

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ:

700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва совет нурилиши — 32-55.5, 32, 32.53.83; санаот ва нурилиш — 32-57.84; шаҳар хўжалиги ва транспорт — 32-55.39; фан ва маданият — 32-53.10; ахборот ва спорт — 32-58.95, 32.2-55.32; халқлар — 32-29.70; жамоатчилик редакцияси — 33-99.42, 32.53.66; эълонлар бўлими — 33-81.42.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

